



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОБАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Аманов Аброржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти

профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15029904>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-Mart 2025 yil

Ma'qullandi: 10-Mart 2025 yil

Nashr qilindi: 15-Mart 2025 yil

### KEYWORDS

*пробация фаолияти, ҳуқуқий асос, қонун, фармон, қарор..*

### ABSTRACT

*Мақолада Ўзбекистон Республикасида пробация фаолияти ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.*

Мамлакатимизда жазони ижро этиш соҳасидаги фаолиятнинг тарихини уч даврга бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир:

- *биринчи давр*, мамлакатимиз мустақилликка эришгунига қадар бўлган давр;
- *иккинчи давр*, мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган давр;
- *учинчи давр*, 2016 йилдан бугунги кунга қадар ёки Янги Ўзбекистон истиқболли ислохотлари даври.

Биринчи даврнинг ўзини уч босқичга ажратиб ўрганишимиз мумкин:

*биринчи босқич*, 1924-1934-йиллардаги қамоқ жойлари тизимини барпо этиш даври, ўша даврда турмалардан ахлоқ тузатиш - меҳнат муассасаларига ўтишни амалга ошириш даврида жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни, балки, ҳуқуқбузарларни ҳам озодликдан маҳрум қилиш орқали қайта тарбиялаш кўзланган. Бу даврда ахлоқ тузатиш - меҳнат муассасалари фаолиятини тартибга солувчи 1925-йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси бўлган.

*иккинчи босқич*, 1935-1953-йиллар, хусусан, иккинчи жаҳон уруши даврида маҳкумларни фронтга жўнатиш ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари фронт учун зарур маҳсулотлар (армия учун кийим-кечак, миналар ва бошқалар)ни ишлаб чиқаришга мослаштирилган давр бўлган. Уруш тугагач, вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш учун арзон ишчи кучи сифатида маҳкумлардан фойдаланилган.

*учинчи босқич*, 1954-1991-йилларни ўз ичига олган давр. 1960-йил-лардан бошлаб маҳкумларга ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида шартли равишда

муддатидан олдин озод қилиш ва ёпиқ турдаги муассасалардан манзил-муассасаларига ўтказиш каби рағбатлантириш чоралари қўлланиши бошлаган<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, юртимиз узоқ йиллар чор Россиянинг мустамлакаси бўлган даврда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари иккинчи даражага туширилди. Ушбу даврда паралел равишда Европа давлатлари мустамлакалар тизимидан воз кечиб, бутун дунё инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари учун кўрашиш даврини бошланган эди. Бошқача айтганда, “Барча эхтиёжлар инсон учун хизмат қилиши керак” деган тамойилда шаклланган. Хусусан, бу борада Ф.Дункелнинг “ҳозирги замон пробация хизмати ривожланиш жараёни XVI асрда Европа ва АҚШда вужудга келган либерал йўналиш ҳалигача ўз таъсирини кўрсатмоқда”<sup>2</sup> деб, таъкидлагани капитализмдан сўнг либералистик фикрловчи инсонларни жамият ҳаётида фаоллашиши ҳаётнинг барча жабхаларини ривожлантирди десак муболаға бўлмайди.

Иккинчи давр, яъни, мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган давр хусусида тўхталиб, айтишимиз мумкинки, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этишнинг янги даври бошланди ва мамлакатимизда бир қатор ижобий ислоҳатлар амалга оширилди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кўзлаб, жазони ижро этиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят<sup>3</sup> ва Жиноят-ижроия кодекс<sup>4</sup>лари қабул қилинди ҳамда бугунги кунга қадар ушбу кодексларнинг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб борилмоқда. Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жиноий жазоларни тайинлашда “... жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийиб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди”<sup>5</sup>.

Қайд этиш керакки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, жиноят содир этган шахсларга жазоларни тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш тизимининг ривожланиши ва шаклланиши муҳим омилардан бири бўлди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси<sup>6</sup>га 2001 йил 29 августда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо

<sup>1</sup> А.А.Қодиров. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахлоқ тузатиш хизмати жўрнали Тошкент ш.1994 й.

<sup>2</sup> Dunkel F. Les regleseuropeennes pour les delinquantsmineursfaisantl'objet de sanctions ou de mesures (REDMOSM), REC (2008)11 du Conseil de l'Europe // Ouva la justice penale des mineurs? (Allemagne, Espagne, France, Italie, Russie) / acura di S. Cimamonti, G. Di Marino, E. Zappala. G. Giappichellieditore. Torino, 2010.P. 123.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>5</sup> М.Х. Рустамбоев “Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш”. Ўқув-услубий мажмуа. 2011 й. “Адолат” – Б.14. ТДЮИ.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди”<sup>7</sup>. Ушбу қонунчиликдаги ўзгартиришлар энг аввало, жазолашнинг инсонпарварлик ҳуқуқий асосларини яратишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисқартириш ҳисобига қонунчиликда адолат ва инсонпарварлик каби тамойиларнинг кучайиши ва амалда қўланишига хизмат қилган дейишимиз мумкин.

Ушбу суд-ҳуқуқ тизмидаги ислоҳатлар давлат ҳокимияти ва бошқарув тизмида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солишни янги босқичга олиб чиқди дейишимиз мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо чораларининг судлар томонидан 1992-2001-йилларда кенг қўланилишидан сўнг дастлаб, “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”<sup>8</sup>ги қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси<sup>9</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»<sup>10</sup>ги қарори юртимизда пробация фаолиятига оид ҳуқуқий асосларнинг шаклланишида ва ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Сабаби, ушбу бошланган ислоҳотлар бутун ички ишлар тизимини қамраб олганлиги ва фаолиятининг барча муҳим соҳаларига қаратилганлиги билан ўзига хосдир<sup>11</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>12</sup>ги ПФ – 2822-сон Фармони ҳам ички ишлар органларининг пробация фаолиятига оид ҳуқуқий асослари такомиллашувида алоҳида аҳамиятга эгадир. Боиси, ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилиши ва асосий вазифаларини белгилаб берди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»<sup>13</sup>ги қарори ҳам Ички ишлар вазирлиги пробация фаолияти ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди. Сабаби, ўша даврда ушбу соҳавий хизмат Ички ишлар вазирлиги

<sup>7</sup> М.Х. Рустамбоев “Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш”. Ўқув-услубий мажмуа. 2011 й. “Адолат” – Б.14. ТДЮИ.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>11</sup> Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2004. - № 4. - С. 83.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2822-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 247/41-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг таркибий қисмларидан бири эди. Мазкур ислохотларнинг натижаси эса, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жинойи вазиятни сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади<sup>14</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26-сентябрь кундаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазосига биринчи марта ҳукм этилган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини эркинлаштириш тўғрисида”<sup>15</sup>ги ва 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>16</sup>ги ПФ – 3264-сон Фармонлари пробация фаолиятининг ҳуқуқий мақоми такомиллашувида алоҳида аҳамиятга эгадир. Хусусан, қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ички ишлар органлари пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмаларнинг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ўзга давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик механизмлари жорий этилишига самарали таъсир этди, десак муболаға бўлмайди.

2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>17</sup>ги қонунининг қабул қилиниши ҳам ушбу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошишига, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда.

2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»<sup>18</sup>ги қонунининг қабул қилиниши ҳам ички ишлар органларининг пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма-ларининг ҳуқуқий асослари, уларнинг таркибий тузилиши ва бугунги ҳолатини тушуниш, мақсади ҳамда вазифаларини белгилаб олишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, қонуннинг 2-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат эканлиги, 4-моддасида эса, ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир

<sup>14</sup> Каримов И.А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т., 2002. - Б. 96.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-йил 26-сентябрь кундаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазосига биринчи марта ҳукм этилган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3264-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”<sup>19</sup>ги, “Прокуратура тўғрисида”<sup>20</sup>ги, “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”<sup>21</sup>ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”<sup>22</sup>ги ва бошқа қонунлари билан ички ишлар органларининг сохавий йўналишлари, хизматлари ҳамда бўлимлари фаолиятини тартибга солувчи муносабатлар, шунингдек уларнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги тартибга солинди.

Учинчи давр, 2016 йилдан бугунги кунга қадар ёки Янги Ўзбекистон истиқболли ислохотлари даври хусусида тўхталиб, айтишимиз мумкинки, Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг янги босқичига, яъни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қатор норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»<sup>23</sup>ги ПФ–4947-сон Фармони асосида қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асос бўлди десак муболаға бўлмайди. Хусусан, стратегиянинг 2-бўлимида белгиланганидек, “ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, биринчи навбатда, жазони ижро этиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш зарурати назарда тутилган” эди ва бу ички ишлар органларида жазоларни ижросини ислоҳ этишга амалий туртки бўлди.

Жумладан, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 14 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>24</sup>ги ПҚ-2833-сонли Қарорини Янги Ўзбекистон ислохотларининг бошланиш даврида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилишидаги муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этишимиз лозим. Сабаби, мазкур қарор

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳ

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Р

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда янада самарали тизим яратилишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>25</sup>ги ПФ-5005-сон Фармони эса, том маънода ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, такомиллаштириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб вазифаларини белгилаб берди.

Шунингдек, юртимиздаги суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳатларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сонли Қарори билан Пробаця хизмати ташкил этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-майдаги 346-сонли «Мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жа-зонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»<sup>26</sup>ги ҳамда 2020-йил 14-февралдаги 84-сонли «Ички ишлар органлари Пробаця хизмати фаолиятини самарал ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>27</sup>ги қарорлари билан пробаця фаолияти тегишлича тартибга солиб келинмоқда.

Шунингдек, юқорида қайд этилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>28</sup>ги Фармони ҳам ички ишлар органларининг пробаця фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмаларининг ҳуқуқий мақомига оид нормалар янада мустаҳкамланишига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшди десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур Фармонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>26</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-майдаги 346-сонли «Мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 14-февралдаги 84-сонли «Ички ишлар органлари Пробаця хизмати фаолиятини самарал ташкил этиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони // Ўзбекистон Р

е  
с  
п  
у  
б  
л

фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, ушбу Фармонга асосан, Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида *Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти* ташкил этилди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими жорий этилди ва уларнинг асосий вазифалари этиб, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш, муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш белгиланди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>29</sup>ги Фармони ҳам бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ички ишлар органларининг пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштирилиши ва мустаҳкамланишида ҳамда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамиятимизда қонунга итоаткорлик ҳамда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Мазкур Фармон Жамоат хавфсизлиги департаментинг асосий вазифаларини белгилаб берди ва унинг асосий вазифаларидан бири сифатида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш эканлиги белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар органларининг пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштирилиши ва мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августда қабул қилинган “Пробация тўғрисида”ги ЎРҚ-938-сон Қонуни ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, қонунда мазкур фаолиятга оид асосий тушунчалар,

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

Пробацияни амалга ошириш соҳасини тартибга солиш, Пробация хизматининг тизими, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, Пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Шахсни пробация ҳисобига қўйиш ва пробация назоратини амалга ошириш, Пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан рағбатлантириш, интизомий жазо ва ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши, Пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобидан чиқариш каби ушбу соҳа фаолиятини тартибга солишга оид муҳим нормалар ўз аксини топган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноий жазоларни либераллаштириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлашда ички ишлар органлари пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмаларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бугунги кунда улар шахсларга нисбатан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар ва шартли ҳукм талаблари ижро этилиши устидан назоратни олиб боришда ҳамда ушбу жараёнларда жазолар ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни амалга оширадилар.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлашда ички ишлар органларининг пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмаларнинг фаолиятлари кенг қўламлиги ва ўзига хос серқирралиги билан ажралиб туради. Ушбу йўналишда уларнинг асосий вазифалари озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларга тегишли тартибда жазо ўтатириш билан бирга жамоат тартибининг бузилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигининг самарали таъминлашдир. Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали эса, жамоат тартиби сақланиб, жамоат хавфсизлиги таъминлашга эришилади.

Шунингдек, ички ишлар органлари пробация фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари томонидан фаолиятни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини англатиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ахлоқан тузатиш долзарб масалалардан ҳисобланади.